

## Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 58486 тани ташкил қилиб, шундан 42251 таси ёки 72,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5151 та (8,8 фоизи), саноат 3651 та (6,2 фоизи), курилиш 1848 та (3,2 фоизи) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1220 та (2,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагича тақсимланади:

Жами	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>58486</b>	<b>100</b>	<b>42251</b>	<b>100</b>
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	37872	64,8	22887	54,2
Саноат	3651	6,2	3423	8,1
Курилиш	1848	3,2	1642	3,9
Савдо	5151	8,8	4749	11,2
ташиш ва сақлаш	666	1,1	623	1,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1220	2,1	1158	2,7
ахборот ва алоқа	397	0,7	363	0,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	770	1,3	762	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6911	11,8	6644	15,7

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,6 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 9,3 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштироқидаги корхоналар ва 82,8 фоизи бошқа корхоналар улушкига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қўйидагича тақсимланади:

2017 йил 1 апрель ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-мартда жами 2656 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари –1283 та). Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (14,4 фоизи)), Пайарик (11,6 фоиз), Ургут (11,0 фоиз), Каттақўрғон (10,7 фоиз), Иштиҳон (8,1 фоиз) ва Оқдарё (6,8 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 13,4 фоизи саноат, 10,7 фоизи савдо ва 4,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.


Ҳисобот даврида 1356 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 74 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 5,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуидагида ифодаланади:


Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги



Чакана савдо айланмаси



Иқтисодиётда банд бўлганлар



Давлат сектори

Нодавлат сектори